



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 29 июнь, № 129 (8752)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПРЕЗИДЕНТ ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 июнь куни ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар сарҳисоби, янги вазифа ва таклифлар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Йиғилиш аввалида ишлар самардорлиги кўриб чиқилди. Охириги етти йилда ёшларга оид 100 дан зиёд қонун ва қарорлар қабул қилиниб, 200 дан ортиқ имтиёзлар берилгани қайд этилди.

Биргина таълим кредитидан 151 минг ёш фойдаланган. Эҳтиёжманд оиладан бўлган яна 110 минг талабанинг шартнома тўлови тўлаб берилган.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали АҚШ ва Буюк Британиянинг энг нуфузли университетларини 50 нафар йиғит-қиз битирди. Бугунги кунда уларда ўқиётган ватандошларимиз 200 дан ошди. Умуман, 110 минг вакилимиз хорижда тахсил оляпти.

Президент мактабининг баҳолаш тизими 500 та мактабда жорий қилиниши натижасида бир йилнинг ўзига билимларни ўзлаштириш 53 фоиздан 60 фоизга ошди. Бу тизим янги ўқув йилидан яна мингта мактабда жорий қилинади.

Бу йил мактабларни 14 мингдан зиёд ўқувчилар олтин ва кумуш медаллар билан битирди. “Катта бешлик” фан олимпиадаларида кўлга киритилган медаллар охириги тўрт йилда 2 қарра кўнайд.

“Оилавий тадбиркорлик” дастурлари доирасида берилган кредит эвазига 1 миллион ёш иш билан таъминланди. 205 та Ёшлар sanoat зонасида 1 минг 200 та лойиҳа ишга туширилди. Ҳозирда бизнесдаги ай-

ланма маблағини миллион доллардан оширган 1,5 минг нафар ёш тадбиркор бор.

Давлатимиз раҳбари ёшларда билим ва янги ғоялар кўплиги, уларга шароитлар янада кенгайтирилишини таъкидлади. Жумладан, улар куйдагилар:

Мамлакатимиз жадал ривожланиши учун “тўртинчи sanoat” касблари жуда муҳим. Шу мақсадда ёшларнинг физика, кимё, биология, технология, муҳандислик, математика билан боғлиқ касбларга қизиқишини ошириш учун янги тизим бўлади. Олий ўқув юртлири қошидаги жами 73 та академик лицейда тажриба тарзида “Халқаро бакалаврият” ва “A-Level” дастури жорий қилинади. Бу дастурлар асосида сертификат олган ўқувчилар ўша олийгоҳга имтиҳонсиз, шартнома асосида қабул қилинади.

“SAT” тестида 75 фоиздан юқори натижа кўрсатган ўқувчилар мамлакатимиз университетларига ҳам грантга қабул қилинади.

Ногиронлиги бўлган ёшларга чет тили бўйича миллий сертификат олишда компьютерда имтиҳон топшириш шароити яратилди.

Ёшларимиз халқаро олимпиадаларнинг назарий қисмида ҳар доим юқори натижаларга эришса-да, лаборатория машқларини бажаришда пастроқ балл оляпти. Шу боис энди Президент таълим муассасалари агентлиги қошида Олимпиадаларга

тайёрлаш маркази очилиб, махсус лабораториялар билан жиҳозланади. Халқаро олимпиадада қатнашувчи терма жамоа режа асосида ушбу марказда тайёргарлик кўради. Бунинг учун ҳар бир фан бўйича малакали олим ва хорижий мутахассислар жалб қилинади.

Олий таълимнинг биринчи ва иккинчи курсларидаги фанлар техникалар билан уйғунлашади. Техникумда яхши ўқиган ёшларга халқаро классификаторнинг тегишли даражасига мос келувчи диплом берилди. Уларга олийгоҳни иккинчи ёки учинчи курсдан ўқишни шартнома асосида давом эттириш имконияти берилди. Касби бўйича малака даражаси ва икки йиллик стаж бор ёшлар корхона тавсияси билан шартнома асосида олий таълимга қабул қилинади.

Энди олий ўқув юрти, вазирлик ва корхоналарга тегишли лабораторияларнинг ягона онлайн платформаси яратилди. Бундай илмий марказлар Тошкент техника, Самарқанд ва Урганч давлат университетларида ҳам ташкил қилинади. Ёш олимлар тадқиқотлари учун керак бўлган ускуна, бутловчи қисм ва кимёвий воситалар бождан озод қилинади.

Бугунги кунда ахборот технологиялари соҳасида ўзини ўзи банд қилган ёшлар 50 мингдан ошди. Қўшилган қиймат яратиш, хизматларни экспорт қилаётган бундай ёшлар

учун катта имкониятлар очиб берилди.

Хусусан, 1 августдан бошлаб, бу соҳада ўзини ўзи банд қилган ёшларга IT-парк резиденти мақоми берилди. Улар уч йил муддатга барча солиқлардан озод қилинади. IT-парк томонидан уларга тиббиёт, спорт ва офисдан фойдаланиши учун “ижтимоий карта” тақдим этилади.

Ёшларни катта даромад келтирадиган касбларга ўргатиш, юқори қўшилган қиймат яратадиган лойиҳаларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Инвестициялар, sanoat ва savdo вазирлиги хузуридаги Ёшлар тадбиркорлиги жамғармаси Ёшлар ишлари агентлиги тизимига ўтказилади. Лойиҳанинг тайёр бизнесга айланиб, даромад келтиришга барча жараҳида кўмаклашилади. 14 та туман танлаб олиниб, “тўртинчи sanoat” касбларига ўқитиш маркази очилади.

Жамғарма томонидан худудлардаги Ёшлар sanoat зоналарида бинолар қурилиб, “sanoat ипотекаси” асосида юқори қиймат яратадиган лойиҳалар учун ёшларга 7 йилда бўлиб тўлаш шarti билан берилди. Бунда биринчи йили тўлов ундирилмайди.

Ҳар бир вилоятдаги биттадан “Баркамол авлод” болалар мактабиди “Креатив sanoat парклари” ташкил қилиниб, уларга IT-парк резидентлари учун назарда тутилган имтиёзлар берилди. Бу жойлар ёш тадбиркорлар, илм ва бизнес ўртасида

мулоқот майдончаси бўлади. Жамғарма бу ердаги ёшларнинг “стартлари”га уч йилга 100 миллион сўмгача сўда беради.

Магистраль йўллар бўйида 50 мингта кўчма savdo нуқтаси ташкил қилиниб, ёшларга ижарага берилди. Бунда дастлабки 6 ойда ёшлар ижара ҳақи ва солиқ тўламайди.

Маълумки, йил бошида ҳокимлар, вазирлар ва давлат ташкилотлари раҳбарларига шароити оғир 4 миллион ўғил-қиз бириктирилган эди. Манзилли ишлаш натижасида, ҳаётда қийинчиликка дуч келган 420 минг ёшнинг муаммоси ҳал этилди, 65 мингнинг бандлиги таъминланди. Алоҳида эътиборга муҳтож 1 миллион ёш спорт билан шугулланиши бошлади.

Шу тарзда, тарбияси оғир, оилавий ажралиш ёқасидаги ва жиноятга мойиллиги бор ёшларни тўғри йўлга бошлаш зарурлиги таъкидланди.

Мактаб, коллеж, олий ўқув юртлирининг стадионлари, спорт зали, бассейн ва кутубхоналари маҳалла ёшлари учун доим очик бўлиши белгиланди. Шунингдек, ёз мавсумида спорт мусобақалари, ижодий танловлар ва кино кунлари ўтказилиши айтилди.

Меҳнат ярмаркалари ташкил қилиниб, 350 минг ёшни ишга жойлаштириш чоралари кўрилади. Шунингдек, 100 минг кишини қурилиш ишларига жалб қилиш мумкин.

Қизларга кўмаклашиш, шароитларини яхшилашга эътибор давом эттирилади. Оғир шароитга тушиб қолган хотин-қизлар учун барча худудда 1 хонали ижтимоий уйлар қурилади. Улар ишга жойлашиб, “оёққа туриб олгунга қадар” ушбу уйларда 3 йил давомида бепул яшати мумкин бўлади.

Соғлиги туфайли ишга қатнай олмайдиган қизлар хонадониди касаначилик ёки масофавий иш билан таъминланади. Бундан ташқари, уч ёшга фарзанди бор талаба-қизларга масофавий таълим олиш имконияти яратилади.

Йиғилиш очик мулоқот шаклида бўлди. Юртимизнинг турли худудлардан қатнашган ҳамда чет элларда ўқиётган ёшлар ўз фикр ва таклифларини билдирди.

Мутасаддиларга уларни умумлаштириб, фармон лойиҳасига киритиш топширилди.

— Ёшларимиз ҳаётда муносиб ўрнини топиши учун бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларни тўлиқ ишга соламини. Сизлар мамлакатимизнинг ишончи ва таянчи, келажагимиз бунёдкорларисиз, — деди Президент.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ФАОЛ ВА ИЛҒОР ЁШЛАРГА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ёшлар куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорига мувофиқ азму шижоати, билим ва салоҳияти билан мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фаол ёшлар «Келажак бунёдкори» медаллари ҳамда «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

28 июнь куни Кўксаройда ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида йиғит-қизларни Ёшлар куни билан табриклаб, меҳру эътиборини изхор қилди.

— Мамлакатимиз ёшларининг ютуқлари, мақсад ва режалари билан яқиндан танишиб, бекиёс куч ва илҳом оламан. Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича қандай катта имкониятларга эга эканимизни ҳис этиб, хурсанд бўлман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бугун ҳаётнинг ҳар бир жаҳасида — давлат бошқарувида, иқтисодиётда, илм ва таълимда, спорт ва маданиятда ёшларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий Мажлис палаталари қошида Ёшлар парламентлари иш олиб бормоқда. Юртимиздаги ҳар бир ташкилотда ёшлар ишлари бўйича маслаҳатчи фаолият кўрсатмоқда.

Давлат ва жамият замонавий билим ва технологияларни эгаллаган, жисмоний ва маънавий етуқ ёшлар билан қудратли. Шу боис таълим тизими тубдан ривожлантирилмоқда. Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар, олий ўқув юртлири етуқ кадрларни тарбиялашга хизмат қилмоқда. IT-парк, креатив парк ва технопаркларда, маданият ва спорт масканларида ўғил-қизлар сеvimли машғулотлари билан шугулланиб, қобилиятини чархламоқда.

Бу шароитлардан унумли фойдаланган ёшлар илм-фан, спорт, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда катта-катта ютуқларга эришиб, янги Ўзбекистонни жаҳонга тараннум этмоқда.

Биргина ўтган ўқув йилида 55 нафар ўқувчимиз математика, кимё, биология, физика ва информатика бўйича нуфузли халқаро олимпиадаларда 8 та олтин, 15 та кумуш, 32 та бронза медалларни кўлга киритган. Маданият ва санъат бўйича нуфуз-

ли халқаро танловларда эса ёшларимиздан 383 нафари бош совринни, 1 минг 400 га яқини 1-ўринни эгаллаган.

Охириги 2 йилда спортчиларимиз халқаро мусобақаларда 900 тадан зиёд олтин, 550 дан ортиқ кумуш, 731 та бронза медалларни кўлга киритди. Яқинда Қатарда ўтган футбол бўйича Осиё кубогига терма жамоамиз Ўзбекистон тарихида илк бор Олимпия йўлланмасини олишга муваффақ бўлди.

— Сизлар мана шундай натижаларингиз билан янги тарих яратяпсизлар. Ишончим комил, халқимиз кўлга киритаётган улкан ютуқлар билан бирга, бу натижалар янги Ўзбекистон тарихига, учинчи Ренессанс тарихига айланади, — дея таъкидлади Президент.

Давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати халқаро миқёсда тан олинмоқда. Масалан, ўтган йили Ёшлар тараққиёти индексида кўра, Ўзбекистон ёшлар сиёсати соҳасида энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири, деб эътироф этилди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни давлат ва жамият бошқарувида, муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал

этишга кенг жалб этиш бўйича 60 дан зиёд ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан маъқулланди.

Шу кунларда азим Самарқанд шаҳрида Бутунжаҳон ёшлар фестивали бўлиб ўтмоқда. Бу ҳам халқаро эътирофнинг яна бир ифодаси экани таъкидланди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ёшларга давлат мукофотларини топширди.

— Бугунги ютуқларингиз — узоқ йўлнинг бошланиши. Давлат шароит яратиши, кимдир ёрдам бериши мумкин. Лекин келажагингиз фақат ўз кўлингизда. Бу йўлда барча ёшларимизни қўллаб-қувватлаб, орзу-интилишлариди муваффақиятлар тилайман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мукофотланганлар юксак ишонч ва эътибор, ёшларга яратилаётган имкониятлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди, ўқиш ва ишларида янада катта натижаларга эришиб, халқимиз ишончини оқлашини таъкидлашди.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, зиёлилар, отаналар иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯЛИК КОМПАНИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июнь куни Туркиянинг «Cengiz Holding» компанияси раиси Меҳмет Женгиз ва «Kalyon Holding» компанияси раиси Жемал Калёнжу бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, шу жумладан, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимизнинг яқинда Анқарага ташрифи давомида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Туркия Ишбилармонлар кенгаши йиғилишининг якунлари мамнуният билан қайд этилди. Эришилган келишувлар ижросини жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Компаниялар томонидан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режалари муҳокама қилинди.

Йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ва қуриш, “яшил” энергетика қувватларини барпо этиш, қўшма геологик тадқиқотлар ўтказиш ва истиқболли конларни ўзлаштириш лойиҳалари шулар жумласидан.

Таъкидлаш жоизки, «Cengiz Holding» иштирокида Ўзбекистонда иккита лойиҳа муваффақиятли якунланди — Тошкент ва Сирдарё вилоятларида умумий қуввати 460 мегаваттга эришган электр станциялари ишга туширилди. Бундан ташқари, Жиззах вилоятида қуввати 500 мегаваттдан зиёд бўлган яна бир электр станция қурилиши давом этмоқда.

Ў.А.

Мамлакатимизнинг бебаҳо бойлиги

Маълумки, бугунги кунда бутун дунёда 15 дан 24 ёшгача бўлганлар сони 1,2 миллиард кишини, яъни умумий аҳолининг 16 фоизини ташкил этади. 2030 йилга бориб эса ушбу кўрсаткич яна 7 фоизга ортиши кутилмоқда.

Ёшлар ҳар қандай мамлакат тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Шу боис барча тараққиётпарвар жамиятларда уларни ҳар томонлама баркамол, билимли инсонлар қилиб тарбиялаш, асраб-авайлаш, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялашга устувор даражада эътибор бериб келинади. Бу бежиз эмас. Негаки, бугун дунёнинг қарийб барча давлатида кенг фойдаланилаётган инновацион кашфиётлар айнан ёшлар ҳиссасига тўғри келади.

Мушоҳада

Биргина ахборот технологиялари соҳасига тўхталадиган бўлсак, бутун жаҳон аҳолиси фойдаланаётган телефон гаджетлари, улардаги мессенжерлар, турли соҳаларга йўналтирилган дастурлар, ижтимоий тармоқлар ҳам айнан ёш авлод томонидан яратилгани ҳеч кимга сир эмас.

Демак, аҳолининг ушбу фаол қатлами кўллаб-қувватлаш жуда муҳим.

Ўзбекистонда ҳам ёшларга бўлган эътибор, уларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш, маънавий, интеллектуал, jismoniy ва ахлоқий жиҳатдан камол топишга кўмаклашиш, очик ва сифатли таълимни таъминлаш, ҳуқуқий онги ва маданияти даражасини юксалтириш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни кўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, тадбиркорлигини ривожлантириш, ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш, хавфсизлигини кафолатлаш каби масалаларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган.

Чунки улар, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, мактаб, коллеж, техникум ва олийгоҳларда билим олаётган, ўз шахсий ишини очиб тадбиркорлик билан шуғулланаётган, Қурулди Кучлар сафларида йиғилган бурчини шараф билан адо этаётган, ишлаб чиқариш, қурилиш, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаларига, замонавий ахборот технологиялари йўналишларига дадил кириб бораётган, катта орзу-умидлар билан

лан яшаётган 18 миллиондан зиёд ўғил-қизлар — бебаҳо бойлик, олтин захира ҳисобланади.

Мамлакатимизда 2021 йилнинг "Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили", 2024 йилнинг "Ёшлар ва бизнесни кўллаб-қувватлаш йили" деб номлангани инobatга оладиган бўлсак ҳам, бу масала

“Биргина ижтимоий ва маънавий муаммоларни ҳал этишга қаратилган тадбирлар доирасида хонадонбай анкета-сўровнома ўтказилиб, 942 мунгдан зиёд ёшлар ўрнини, 88 минг 466 нафари билан “онлайн” сўхбатлар қурилди. Ана шу жараёнда хорижда юрган жами 10 минг 412 нафар (шундан 4 минг 851 нафари Россияда) ёшни яшаш жойига қайтарилган чораси қурилди.”

биз учун доимо устувор бўлиб келаётганини кўрсатади. Зеро, шу йиллар билан боғлиқ давлат дастурлари доирасида қанча-қанча улкан ишлар бажарилиди ва табиийки, олдимизда турган вазифалар ҳам бисёр.

Масалан, бу йилги дастурда ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Жумладан, 2024 йил 1 мартдан бошлаб иқтидорли ўғил-қизлар Маҳаллаликлардаги ўғил-қизлар Маҳаллаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси қарори билан "Ёшлар баланси" асосида вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда олий таълим

ташкilotлари раҳбарларига бириктирилди.

Ёшларнинг салоҳияти, истеъдоди ва ташаббусларини тўлақонли рўёбга чиқариш, улар ўртасида тадбиркорликни кенг оммалаштириш ва бизнес билан шуғулланиши учун хавфсизлик имкониятларини яратиш мақсадида тизимли ишлар олиб борилаётган.

Айтиш жоизки, бундай кенг имкониятлар мудофаа ва хавфсизлик йўналишида тахсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларга ҳам бирдек тақдим этилмоқда. Таълим сифати ва спортга қаратилаётган эътибор ёшларимизни мудофаа ва хавфсизлик тизимида пухта билим эгаллашга, дунё сахнида рақобатбардор кадрлар сифатида етишиб чиқишига замин яратмоқда.

Натижада мудофаа тизимидаги ёшлар ҳам мамлакатда, ҳам халқаро майдонда юксак натижага

сида иштирок этиб, 11 давлатнинг 36 та жамоаси ўртасида фахрли биринчи ўринни кўлга киритди. Ҳарбийларимиз 5 та машқ шартини бажаришда рекорд натижага эришди ва эътиборга молик.

Таълимга қаратилган эътибор туфайли кўплаб ҳарбий хизматчиларимиз инновация йўналишида, яъни қўшинлар фаолиятига янгилик киритиш бўйича ҳам излашлар олиб боришаётган. Улардан бири — Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти кафедра цикл бошлиғи, капитан Ашраф Ахунوف учувчисиз учаш аппарати ёрдамида ўрнатилган минераларни аниқлаш илмий лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу лойиҳа ҳозирда синовдан ўтказилмоқда.

Қолаверса, Мудофаа вазирлигининг ёш ҳарбий спортчилари мамлакат терма жамоалари таркибига нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Хусусан, Мудофаа вазирлигининг ёш спортчилари "Париж — 2024" ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига 17 та лицензияни кўлга киритди.

Мудофаа вазирлиги нафақат ўз тизимидаги, балки республикамиз ёшлари билан ҳам мунтазам ишлаб келяпти. Утан 6 ой давомида навқирон авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирларга 40 мингдан ортиқ йигит-қизлар жалб қилинди.

Ёшлар маънавий тарбиясига йўналтирилган тадбирлар доирасида эса қарийб 28 минг нафар вакил камраб олинди. Бунда 200 га яқин "Амир Темур тузуқлари" биланди, "Амир Темур издошлари", "Жалолддин Мангуберди ворислари" ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилди ва минглаб ёшлар иштироки таъминланди.

Кўриб турибдики, эртамиз эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, улар учун барча шароитни яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Юқорида айтганимиздек, бу борада ҳали олдимизда кўплаб вазифалар турибди. Бу эса биз, халқ вакилларидан ҳам катта куч ва фаоллик талаб этади.

Кўтгарилди БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

ФРАКЦИЯЛАР ҲАЁТИ

ЎзЛиДеП

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 27 июнь кунини Жиззах вилоятига ташрифи доирасида йирик санъат объектлари билан танишиб, Зомин туманида ўтказилган II Халқаро мақом санъати анжуманининг тантали очилишида иштирок этди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Феруза Нигматова** ушбу муҳим воқеалик бўйича ўз муносабатини билдирди.

"Давлатимиз раҳбарининг Халқаро мақом санъати анжумани очилишида иштирок этгани нафақат жаззахликларни, балки мумтоз мусиқа ихлосмандларини қувонтиришига аниқ, Юксак даражадаги эътибордан руҳланиш ҳамда ақли ёш авлод вакилларига эстетик дид ҳамда тафаккурни шакллантиришга, янгидан-янги дурдона асарларни яратишга муносиб даражада ҳисса қўшади", деди депутат.

«Миллий тикланиш» ДП

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ҳуқуқи ташаббуси асосида ишлаб чиқилган "Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси яқинда қўйи палата мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси **Абдумалик Акрамов** ушбу қонун лойиҳасининг зарурати ва аҳамияти юзасидан ўз нуктаи назарини билдирди.

"Ҳаётини тажрибада учраган бир ҳолатни мисол қилиб келтирадиган бўлсам, психология йўналишида эндигина биринчи босқичда тахсил олаётган бир талаба ижтимоий тармоқлар орқали обуначилари ва хайрихоҳларини кўпайтиришга муваффақ бўлган. Олий таълим муассасасида мунтазам равишда дарс қолдиради ва оралиқ имтиҳонлар даврида ўзини "психолог" сифатида тан омишларини талаб этади. Уйлайманки, юқоридаги ҳужжат қабул қилинса, нафақат ўз ҳуқуқи, балки мажбуриятини ҳам тўлиқ адо этиб, олий таълимга эга бўладиган психологлар оралиқда кўпайди", деди депутат.

«Адолат» СДП

Қўйи палатанинг шу ҳафтада бўлиб ўтган ялпи мажлисида болани ноқонуний диний таълимга жалб этган

ота-оналар жавобгарлиқ тортлишини назарда тутувчи қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Мухомамадан сўнг жамоатчилик ўртасида "Ўзбекистонда болага ҳатто оилада ҳам диний таълим бериш тақиқланаркан" мазмунидagi янглиш фикр ва изоҳлар ҳам учради.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Иномжон Қудратов** ушбу масалада қатъий позициясини билдирди.

"Ички ишлар вазирлиги томонидан киритилган қонун лойиҳасида Ўзбекистонликларнинг диний эркинлигига нисбатан босим ўтказилишига оид элементлар мавжуд эмаслигини кўрдик. Қонун лойиҳасида кўзланган мақсад — ота-оналар билан-билмай фарзандини қонунга зид равишда фаолият юритадиган турли хил "ҳужра", "фирқа"лар иштирокида таълим қўйишига йўл қўймасликдан иборат" деди депутат.

Шунингдек, халқ вакили мўлғур таълимотлар таъсирга тушиб қолган хотунга, оила жаҳат тортганидан кўра бугун ота-она жавобгарлиқни ҳис қилиб, ҳишёр тортгани минг марта афзал эканини таъкидлади.

ЎЗХДП

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қайд этиш жоизки, ушбу лойиҳа билан Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги хотин-қизларнинг таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида ваколатли орган этиб белгиланмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси **Муҳаддас Ҳасаналиева** бу ҳақда ўз фикрини маълум қилди.

"Ўзгалар парваришига муҳтоб бўлган ёлғиз яшовчи, ёлғиз кекса ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар — партияимизнинг алоҳида эътиборидаги аҳоли қатлами ҳисобланади. Эндиликда электротизимиз вакиллари, шу жумладан, таъйиққа учраган хотин-қизларни ҳимоя қилишга алоҳида тизим масъул этиб белгиланётгани партиядошларимизни хурсанд қилиши аниқ. Зеро, алоҳида кўмакка эҳтиёж сезаётган инсонларни кўллаб-қувватлаш давлатнинг зиммасидаги энг муҳим вазифадир", деди депутат.

Ўзбекистон Экологик партияси


Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилган ер участкаларидан самарали фойдаланишга оид қонун лойиҳаси билан ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарлик чоралари кўчатирилаётган. Бу бўйича Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси **Моҳира Ҳўжаева** ўз нуктаи назарини билдирди.

"Ердан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик кўчатирилаётганини кўллаб-қувватлайман. Шу билан бирга, суғориладиган қишлоқ ҳўжалиги ерларини ноқонуний равишда ўзлаштириб, уй-жой ёки бошқа турдаги иморатларни қурадиганларга нисбатан белгиланган жавобгарликни янада кескинлаштириш лозим, деб уйлайман. Чунки бундай шахслар нафақат озиқ-овқат санъатига, балки бутун бир экологик тизимга салбий таъсир кўрсатади", деди депутат.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида

Ҳудудлардаги янгилаш босқичлари таҳлил марказида бўлди



Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталари ҳамкорлигида ўтказилган йиғилишида Андижон, Жиззах, Наманган ва Хоразм вилоятларида қурилиш, коммуникация, экология, атроф-муҳитни муҳофазалаш, транспорт соҳаларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати кенг муҳокама қилинди.

Дастлаб жойларда шу йўналишларда олиб борилаётган ишлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокими ўринбосарларининг ахборотлари эшитилди.

Қайд этилганидек, Андижон, Жиззах, Наманган ва Хоразм вилоятларида жами 104 та, шундан 26 та шаҳар ва 78 та шаҳарчадан бош режалари ишлаб чиқилиб, тегишли қарорлар билан тасдиқланган. Уларга кўра ҳудудлардаги "Янги Ўзбекистон" массивларида 5 767 та хонадонли 200 та уй қурилиши, жумладан, Андижон вилоятида 2 минг хонадонли 80 та, Жиззах вилоятида 1 312 та хонадонли 25 та, Наманган вилоятида 971 та хонадонли 27 та, Хоразм вилоятида 1 484 та хонадонли 68 та уй қурилиши белгиланган.

Вилоятлардаги кўп хонадонли уйларнинг 293 тасида 1 186 та даран ортиқ энергия тежовчи чиқарувчи ўрнатилган. Айни чоғда кўп қаватли уйларнинг том ва ертўла қисми, кириш йўлақлари ҳамда электр тақсимловчи қурилмаларни таъмирлаш учун 5,2 млрд. сўм ажратилган.

Мухомама жараёнида транспорт соҳасини ривожлантириш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада Андижон вилоятида 2024 йилнинг 20 мартидан бошлаб Андижон — Хонобод — Андижон йўналишида шаҳарлараро йўловчи поездлари ҳаракати ҳамда 2024 йилнинг июнь ойидан эса Андижон — Қўқон, Андижон — Тошкент, Андижон — Термиз ва Андижон — Қўнғирот йўналишлари бўйича поезд қатновлари сони ҳафтага 2 тага оширилган. Қолаверса, Андижон — Шахрихон, Андижон — Асака, Андижон — Дўстлик йўналишларида автобуслар қатнови

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Тадбиркорлик муҳитини яхшилашнинг муҳим омили

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан "Яширин иқтисодий"ни қисқартириш — тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратиш гарови" мавзусида конференция ўтказилди. Унда қўйи палата депутатлари, Президент ҳузуридаги Статистика агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг тегишли мутахассислари иштирок этди.

Конференцияда дастлаб "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган берилган "яширин иқтисодий"нинг улушини қисқартириш орқали Давлат бюджети даромадларини мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик муҳитини яхшилаш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, Статистика агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитаси вакилларининг маърузалари эшитилиб, тақдимотларда келтирилган маълумотлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда бизнесга қўшимча қулайликлар яратиш орқали "яширин иқтисодий" даражасини камайтириш бўйича комплекс чоралар кўришмоқда. Хусусан, қонун талабларига риоя этган ҳолда фаолиятини амалга

ошираётган ёки яширин фаолиятини қонунийлаштирган тадбиркорларни кўллаб-қувватлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган. Жамоатчилик назоратини кенгайтириш механизмлари орқали "яширин иқтисодий"ни қисқартириш тажрибаси йўлга қўйилмоқда.

Депутатлар томонидан республикамизда норасмий ҳамда "яширин иқтисодий"ни баҳолаш ва кузатиш амалиётига оид саволлар берилди. Қишлоқ ҳўжалиги, савдо, саноат, қурилиш ва хизматлар соҳаларида норасмий операциялар улуши ханузгача юқори бўлиб қолаётгани танқид остига олинди. Мазкур жараёнларни ташкил қилишга халқаро ташкилотларнинг таъкидлари ва хорижий тажрибаларни кўллаш тавсия этилди.

Қўйи палата фаолияти билан танишув

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Ёшлар парламенти аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб, палата фаолияти, қонун ижодкорлиги жараёни билан танишдилар.

Депутатлар билан учрашувда кейинги йилларда Ўзбекистонда Президентимиз раҳбарлигида ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Айниқса, навқирон авлод вакиллари қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини амалга ошириш жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш ҳамда қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани айтиб ўтилди. Жумладан, қўйи палатада Ёшлар масалалари бўйича

комиссия фаолияти йўлга қўйилгани, парламент икки палатасида алоҳида Ёшлар парламентлари ташкил этилгани йигит-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Шунингдек, қўйи палатада "Очик эшиклар кунини" доирасида ўтказилаётган қатор учрашувлар мунтазамлик касб этаётгани, унда ёшларимиз қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш, биринчи ва иккинчи ўқишга тайёрлаш, ялпи мажлис муҳокамаларига киритиш жараёнлари билан яқиндан танишяётгани таъкидлаб ўтилди.

Айни вақтда Президент Шавкат Мирзиёев раисли-



Шу билан бирга, халқ вакиллари айрим соҳалардаги камчиликларга эътибор қаратишди. Жумладан, давлат харидларини рақамлаштириш, тендер ва аукцион савдоларнинг шафдофлик даражасини ошириш, тадбиркорларга солиқ юқини камайтириш ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш орқали мамлакатимизда "яширин иқтисодий" улушини камайтиришга йўналтирилган тизимли ишларни янада кўчатириш бўйича имкониятларни тўлиқ ишга солишга қақурилади.

Юқунда "яширин иқтисодий"га барҳам бериш, бу борада давлат, тадбиркорлар ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигини йўлга қўйиш юзасидан билдирилган тақлиф ҳамда фикрлар асосида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Янги ўқув йилидан олийгоҳлар қошидаги жами 73 та академик лицейда тажриба тарзида «Халқаро бакалаврият» ва «A-Level» дастурлари жорий қилинади

ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН АНЖУМАН



Кунни кеча Жиззах вилоятининг Зомин туманида II Халқаро мақом санъати анжумани тантанали равишда очилди. Фестивалнинг иккинчи кунинда турли тадбирлар давом этди. Жумладан, "Мақом санъатининг назарий ва амалий асослари: муаммо ва ечимлар" мавзусида илмий-амалий конференция қизгин маърузаларга, баҳс ва мулоқотларга бой бўлди.



Нуфузли санъат анжуманини хорижлик хонандлар созандалар, мусиқашунос олимлар, санъат ихлосмандлари, журналистлар, сайёҳлар катта қизиқиш билан кузатмоқда. Муҳбиримиз анжуман иштирокчиларидан айримларининг таассуротларини ёзиб олди.

Акс садо

Карими Сиевүш АШРАФ ўғли, Озарбайжон Республикаси халқ артисти:

— Шарқ мамлакатлари мусиқасини мақомсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу санъат доим жаҳон халқларининг эътиборини тортган. Қолаверса, Озарбайжон "Муғом"ига жуда яқин. II Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросимида давлатингиз раҳбарининг иштирок этиб нутқ сўзлаши, Ўзбекистонда мақом санъатини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни эшитиб, кўриб гувоҳи бўлиб жуда қувондим. Давлат раҳбари ушбу санъат турига эътибор қаратмоқда, дедик, Ўзбекистонда мақомнинг эртаси ёруғ ва бардавом. Анжуман кўтаринки кайфиятда ўтиши учун барча зарур тайёргарлик қўрилган. Бу каби аъёнларнинг ҳамкорликда давом

этириш, тажриба алмашиш халқларимизни маънавий яқинликда, эзгу орзу-интилишлар руҳида бирлаштиришига ишонаман.

Насрин ФАЙЗ ўғли, Отатурк университети Турк мусиқаси давлат консерваторияси профессори (Туркия):

— Аввало, юртингиздаги меҳмондўстликдан кайфиятим кўтарилди. Халқаро анжуман номида айнан мақом сўзига урғу берилишининг ўзи мамлакатингизда миллий мусиқий меросингизга ҳурмат-эҳтиром нақадар юксаклигини далolat. Мен анжуман доирасида ўтаётган кўрик-танлов ҳақамлар хайъати сафида иштирок этилман. Фолиларни аниқлаш ва саралашнинг ўзи бўлмайди. Чунки ушбу санъат анжуманига дунёнинг турли ҳудудларидан забардаст чолғучилар, созандалар, хонандлар келган. Бу танлов иштирок

чилар учун ўзига хос маҳорат майдонига айланишига ишончим комил.

Али ФАТЕХ, мусиқашунос (Ҳиндистон):

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Буюк Ипак йўли дурдониси сифатида мамлакатингиз менда катта таассурот қолдирди. Зомин тоғлари, ям-яшил ўрмонлари, олийжаноб инсонлари байрамга ўзгача сурур бағишлади. Илмий-амалий конференциядаги чиқишларда "XX аср мақом илми: тарих, назария ва амалиёт", "Фарғона — Тошкент мақом йўллари", "Шашмақом" туркумидаги "Сарахбори рост"нинг композицион тузилиши" ва бошқа мавзуларда фикрлар алмашдик. Ўзбек мақоми ривожланиш тарихи ва моҳиятига кўра ҳинд мусиқаси билан чамбарчас боғлиқ. Албатта, ушбу халқаро санъат анжумани муштарак

санъатимиз ва умуминсоний қадриятларимизни янада юксалтиришида беқиёс ўрин тутди.

Оостенрижк Жан ВУТЕР, мустақил мусиқашунос олим (Нидерландия):

— Анжуманга ташриф буюрган мусиқачиларнинг ҳар бири ўз соҳасида дунёга машҳур санъаткор ҳисобланади. Улар жаҳон аҳлини яна бир юртингизга қаратиши табиий. Мусиқий чиқишларда чинакам санъат асарларини таржимонсиз ҳам тушунаемиз. Мен кўп давлатлар санъат фестивалларида иштирок этганман. Бироқ бундай катта миқёсда, кўплаб ўлкалардан мусиқачилар, созандалар тўпланган тадбирда биринчи марта қатнашганман. Миллий мусиқа ва мақом санъати қалбимга чексиз завқ бағишламоқда.

Саид ДОНИШЕВ (Халқ сўзи) ёзиб олди.

Бутунжаҳон ёшлар фестивали:

ОРЗУ ВА МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

Жорий йилда навқирон авлоднинг алоҳида шодийниси — Ёшлар ойлиги ва 30 июнь — Ёшлар кунига бағишланган байрам тадбирлари кўтаринки руҳда, қизгин ва янгиликларга бой тарзда ўтмоқда. Йигит-қизларга ўзгача шукӯҳ бағишлаган воқеликлардан бири — юртимизнинг 5 та ҳудуди, яъни Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахтимизда Бутунжаҳон ёшлар фестивали ташкил қилингани бўлди, десак, янгилимаймиз.

Мазкур тадбир доирасида мингга яқин хорижий меҳмонлар турли анжуман ва учрашувларда, тақдими ва давра суҳбатларида иштирок этаётгани, юртимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишаётгани, ўзбекистонлик навқирон авлод вакиллари билан дўстлашиб, келажак учун муҳим режаларни муҳокама қилаётгани кўзланган мақсаднинг амалий ифодасидир.



Дил сўзи

Жессика ПЛЕСКИ, тадбир иштирокчиси (Буюк Британия):

— Ўзбекистонда ташкил этилган Бутунжаҳон ёшлар фестивали кутганимиздан-да аъло даражада бўлиб ўтмоқда, айни чоғда унутилмас ва ёрқин лаҳзаларни хотирамизга муҳрламоқда. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган тенгдошларим қатори юртингизда ёш авлоднинг таълим ва тарбия олиши, баркамол бўлиб вояга етиши йўлида жуда катта ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Ўзбекистонлик ёшлар жуда меҳмондўст, очиқ юзли, самимий инсонлар экани бир қарашда кўзга ташланади. Улар билан ўзбекча рақс тушиб, бир олам завқу шавқ олдим. Айниқса, кийиниш маданиятингиз, миллий таомларингиз жуда ёқди. Самарқанд, Бухоро шаҳарларидаги маҳобатли тарихий ёдгорликлар ҳақида тарих китобларида ўқиган, ижтимоий тармоқлар орқали кузатгандим. Кунни кеча уларни кўзим билан кўриш бахтига мушарраф бўлдим. Бу ердаги тарихий масканлар меъморий жиҳатдан ўзига хос, бетакрор. Бухоро шаҳридаги Арк кўрғони, Пойи Калон мажмуи, Лабиҳовузни томоша қилаётиб, ўзимни афсоналар оламида хис этдим.

Ўзимга келсак, ҳозирда Бристол университетиде таҳсил оляпман. Менга бу ердаги қадимий мадрасалар тарихи минг йилларга бориб тақалишини, улар ўз даврида университет мақомида бўлганини айтишганида, очиги, ҳайратга тушдим. Фестиваль доирасидаги ҳар бир тадбир, мулоқот ва учрашувлар янги бир дунёни кашф этиш сари қўйилган қадам бўлди. Лондонга қайтган фестивал билан боғлиқ таассуротларимни тенгдошларимга, яқинларимга, албатта, сўзлаб беришни дилимга тугиб қўйдим.

Али СИДИБЕ, Мали миллий ёшлар ташкилоти вакили (Мали):

— Фестивалда иштирок этиш мобайнида халқингиз маданияти, қадрият ва урф-одатлари билан танишиш, тарихий жойларни томоша қилиш имконига эга бўлганимиздан хурсандимиз. Болалигимдан тарихга қизиқман, жаҳон ва Марказий Осиё давлатларининг ўтмишини ўқиб-ўрганганман. Кеча Самарқандда туриб шуни сездимки, Ўзбекистон жуда қадимий ва шонли тарихга эга дийёр, бунини шу заминда вояга етган алломалар, тарихий-меъморий ёдгорликлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон ёшларини севадиган мамлакат эканлиги ҳақида кўп эшитганим, бугун бунинг бевосита хоҳи-

ди бўлдим. Юртингизда ёш авлоднинг манфаатларини таъминлаш, қизиқиш ва талабларини ўрганган ҳолда имкониятлар яратишга катта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор.

Мамлакатингиздаги ёшлар билан ишлаш соҳасида йўлга қўйилган тизимларни ўрганса ва оммалаштирса бўлади. Соҳа мутасаддилари билан айнан шу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз, тажрибаларни ўрганишимиз, ўз тажрибамизни бўлишимиз.

Яқин келажакда Ўзбекистонга яна келишни, бу сафар оилам, дўстларимни ҳам тақлиф этишни мақсад қилдим.

Лее Жа ХУИНГ, "Hanbaek Unification Foundation Association" компанияси раиси (Корея Республикаси):

— Бутунжаҳон ёшлар фестивали ҳақиқий маънода ўз номига яраша, истеъдодли ва ҳаракатчан, орзулари, мақсадлари, ниятлари муштарак навқирон авлод вакиллари билан бирлаштирган тадбирдир. Унда иштирок этаётганимиздан хурсандим. Ўзбек халқининг маданияти, аъёна ва қадриятларини кўриш, танишди туриб кузатиш имкониятини бергани учун тадбир ташкилотчилари, мутасаддиларга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Таассуротларини таърифлашга тил ожиз, очиги, тадбир бошланганида ҳали кўп бўлмади-ю, телефон хотира-

си аллақачон ажойиб суратлар, юрагим эса қувонч билан тўлди. Тўғриси, кўплаб давлатлардан дўстларим бор эди, Ўзбекистондан эса йўқ. Бугун улар билан дўстлашдим, келажакда икки мамлакат учун ҳам фойдали режалар туздик.

Таъкидлаш жоизки, мазкур фестивал дунё ёшларининг бир-бири билан дўстлик ришталарини боғлашида улкан аҳамиятга эга. Бизнинг компаниямиз ҳам юртимизда худди шу йўналишда фаолият олиб боради, яъни турли миллат ва элат вакиллари ўртасида лойиҳаларни амалга ошириш орқали уларнинг маданияти, тарихи, қадриятларини ўрганади, кенг тарғиб этади. Бугунги фестивал эса бизга ўзбек халқининг миллий қадрият ва аъёнлари билан танишишда муҳим омил бўлди.

Мамлакатларимизнинг дўстлиги, кўп қиррали ҳамкорлиги мана шундай тадбирлар, мулоқотлар, келишувлар натижасида янада мустаҳкамланаверади.

Екатерина ТҲҲАРАОВА, тадбир иштирокчиси (Қозғистон):

— Ўзбекистон — бетакрор юрт. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий манзилларни, Тошкентдек шаҳри азимни бориб кўриш ҳар бир қозғистонликнинг орзуси. Менга шу бахт насиб этди.

Мамлакатингизда янги ислохотлар бошланиб, барча соҳада катта ўзгаришлар рўй бераётганини ижтимоий тармоқлар орқали кузатиб турардик, бугун уларни кўзимиз билан кўрдик. Фестиваль тадбирлари ҳам юқори савияда, кўтаринки руҳда ўтпти. Бу тадбир ўзаро тажриба алмашиш, янги гоя ва мақсадлар рўёби учун эшиклар очаётгани айни ҳақиқат.

Ўзим "Меҳрибонлик" кўнгиллилар жамяти вакилиман. Ташкилотимиз 20 йилдан бери фаолият юритиб келади ва имконияти чекланган инсонларга турли шаклларда ёрдам кўрсатади, шунингдек, спорт ва ижодий тўғарақлар фаолиятини олиб боради. Мен билан бирга қозғистонлик 50 нафар ёш бу ерга келди ва уларнинг ҳар бири жамиятнинг турли йўналишлари ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган йигит-қизлардир.

Демак, бир бўлсак — дунё ёшлари эзгу йўлда бирлашса, Ер юзиде ёмонликка ўрин қолмайди, урушларга барҳам берилади, тинчлик-тотувлик ҳукм суради. Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган ушбу фестивал айнан шу эзгу ниятга монанд эълани билан қалбимиздан жой олди.

«Халқ сўзи».

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Эзгу ниятларни кўзлаган форум

Мамлакатимизда ўтказилаётган Бутунжаҳон ёшлар фестивали доирасида Самарқандда Ислам ҳамкорлик ташкилоти ёшлар форуми ташкил этилди.

Ташкилотга аъзо давлатлар вакиллари иштирок этаётган форумда дунёнинг турли давлатларидан келган 700 дан ортиқ ёшлар қатнашди. Тадбирда ёшлар таълим-тарбиясида ислом динининг аҳамияти, ундаги умуминсоний гоялар, шу билан бирга, динни нотўғри талқин этиш ҳолатлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир иштирокчилари халқаро туризм маркази ҳудудида кўчат ўтказиб, "Ислам дунёси ёшлари боғи" яратишга қарор қилди.

Хайрли ишлар бардавом

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси томонидан хайри ишга қўл урилди. Гап шундаки, Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек маҳалласида истиқомат қилувчи Сирожиддин Хуррамов ушбу бошқармага бириктирилган ёшлардан бири.



У ёрдамга муҳтож ва алоҳида эътибор талаб этувчилар рўйхатида туради. Онаси ва ногиронлиги бор синглиси учун ҳам у масъул. Аммо муқаддам жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказгани учун оғир меҳнат қилолмайди.

Юқоридеги ҳолатлар ҳамда С. Хуррамовнинг онлайн тарзда буюртма қилинадиган озиқ-овқат махсусотларини етказиб бериш билан шуғулланиш истагидан келиб чиқиб, унга замонавий велосипед топширилди.

Божхона кўмитаси томонидан бу каби хайрли ишлар давом эттирилмоқда.

Меҳнат ярмаркаси ўтказилди

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда 22 та ташкилот ва корхона 221 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

Ярмаркада туман камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими 15 нафар кишига ишга жойлашти ва беш нафарининг касб-ҳунар ўрганиши учун йўланма берди. Шунингдек, "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари" рўйхатида турган ва вақтинча ишсиз 14 нафар хотин-қиз касб-ҳунар ўрганганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлди. Бир нафар хотин-қизга компьютер жамламаси, 13 нафарига замонавий тикув машинаси ва тикув жиҳозлари топширилиб, бандлиги таъминланди.

Яна бир хизмат автоматлаштирилди

Эндиликда кўриш қобилияти бўйича I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ядро полигонлари, радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган шахслардан уй-жой коммунал хизматлари бир қисмини қоплаш учун тўланадиган компенсация пул тўловлари учун уларнинг аризасига тасдиқловчи қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмайди.



Бу ҳақда Пенсия жамғармаси расмий телеграм каналда хабар берди.

Унга қўра барча тасдиқловчи маълумотлар ахборот тизимларидан электрон равишда олинади. Олдинги тартибга қўра, юқоридеги кўрсатиб ўтилган шахслар илгари компенсация пулини олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни қозғ кўринишида тақдим қилишган.

Мурожаатларнинг 30 таси жойида ечим топди

Андижон вилояти прокуратураси томонидан Андижон шаҳрида сайёр қабул ўтказилди ва 56 нафар жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатлари тингланди.

Уларнинг 30 таси жойида ечимини топган бўлса, 26 та мурожаат юзасидан муаллифларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Вилоят прокуратураси томонидан жисмоний ва юридик шахслар вакиллари қабул қилиш ҳамда мурожаатларни кўриб чиқиш борасида ишлар давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Миллий муסיқа санъатининг алломаси



Бақувват томирлардан сув ичган даракт

Чақар — Тошкентнинг пахса деворли кўчалари, бир асрлик қадимий дарактлари ва узумзорлари хозиргача сақланиб келаётган ховлилардан иборат кўча маҳаллалардан биридир. Ўзбек миллий муסיқа санъати довуғини бутун дунёга таратиш шарафига муассар бўлган Юнус Ражабий XIX аср охирида айнан шу ерда туғилган. Уша кезларда боғбон Ражаб ота ҳамда оддий ўзбек аёли Ойшабибининг кенжа — ўн олтинчи фарзанди буюк санъаткор ва қомусий олим бўлиб етишиши, катта шўхрат қозониши кимнинг хаёлига келибди дейсиз...

“Даракт бақувват томирлардан сув ичади”, дейишади. Юнус Ражабийнинг қобилияти болалигиданоқ сезилиб турарди. Ўн нафар фарзандидан айрилган Ражаб ота ва Ойшабибининг кенжа ўғлига меҳри бўлакча эди. У отаона ардоғида, шеърят ва муסיқага катта эҳтиром билан қаралган оилада улғайди. Онаси Қуръони қарим сураларини ёддан ўқир, отаси эса муסיқанинг чин мухлиси эди.

Юнус Ражабий гўдаклик чоғида ховлисига андижонлик бир ашулачи ва танбурчи кўчиб келади. У мумтоз ва халқ кўшиқларининг моҳир ижрочиси бўлган. Ражаб бобо эса ўз ерининг бир улушини ўша кишига беради ҳамда у оиласи билан узок вақт шу ерда истикомат қилади.

Хар оқшом Ражаб ота кичкина Юнусни эргаштириб, тор кўчалардан Чақарнинг ўша пайтдаги энг машхур чойхонаси томон ошиқарди. Уша замонларда Илхом самоварчининг чойхонаси иссиқ ноннинг хушбўй хиди билангина эмас, балки халқ ҳурмат билан эъзозловчи таникли хонандою созандалар ҳар кунни йиғиларди ҳамда булгани туфайли тилларда дoston эди.

Юнус Ражабий таникли санъаткорлар қошида соз чалганида 12 ёшда эди. У шу ёшдаёқ дутор ва танбурни қойилмақом қилиб черта оларди. Бунда машхур ҳофиз Мирзо Қосим Ражабийга қўшни бўлиб яшагани ҳам қўл келган. Айнан шу санъаткор болага танбур чалишни ўргатади. Бир оқшом Мирзо Қосим қўйлаганида Юнус Ражабий унга сози билан муносиб жўр бўлади. Бу санъатнинг бирмунча машаққатли ҳамда шуқулли йўлида қўйилган илк қадам эди. Хофизлар уни даврасига қўшишади. Шу тариқа муסיқа Юнус Ражабийнинг ҳаёт тарзига айланади. Ўзбек халқининг машхур хофизлари Шораҳим Шоумаров ҳамда Мулла Тўйчи Тошмухаммедов унга устозлик қилади.

1919 йил Тошкентда биринчи миллий консерватория фаолиятини бошлаганида Юнус Ражабий моҳир хонанда ва созанда сифатида шаклланиб бўлган эди. Шунга қарамай, у консерваторияда ўқийша қарор қилади. Атрофдагилар уни бу фикрдан қайтаришга уринади. Унга қарата бир неча марта “Таникли санъаткор бўлсанг, нима кераги бор ўқийшинг?” деган гаплар айталиди. Буюк ижодкорнинг эса олий муסיқий таълим олиши шарт эканига ишончи қомил эди ва у талаба бўлади. Консерваториядаги 4 йиллик таълим жараёнида соз чала олиш истеъдодини сайқаллаб, янада мукамаллаштиради. “Шашмақом”ни пухта ўрганади.

Фавкулда истеъдод соҳиби

Юнус Ражабийни оила аъзолари меҳрибон ота, шоғирдлари жонқуяр устоз, дўсту қадрдонлари эса бир қадар ҳазилкаш, ҳозиржавоб инсон, дея эслашади.

“Иқтидорли одам ҳар нарсада қобилиятли”, дея беҳиз айтилмаган. Юнус Ражабий бир гал жонли радиоэфирда устози Мулла Тўйчи Тошмухаммедовнинг овозини қўйилмақом қилиб ўхшатади. Чунки машхур ҳофиз эълон қилинган радиоэфирга кечикаётганиди. Фавкулда истеъдод соҳиби Юнус Ражабий “Қаро кўзим” қўшиғини жонли эфирда шу қадар маҳорат билан қўйлайдики, устози янграётган овоз ўзиники эмаслигига зўрга ийонади. Тарона ярида Мулла Тўйчи студияга киради-да, ашулани охирига етказди. Ушанда битта ашулани икки ҳофиз ижро этганини ҳеч ким сезмайди ҳам.

Юнус Ражабий иш жараёнида қайсидаир шоғирдининг ёки дўстининг нимадандир хафа эканини сезиб қолса, унга бағишлаб қарикатуралар чизар ва уларнинг юзида табассум пайдо қилар, бу орқали уларни руҳантлар, ижодга

Куёш нурлари базўр ёритаётган хонанинг турли китоблар тахлоглиқ тоқчасидаги радиодан сўз ва туйғу гўзал уйғунлашган, одамнинг руҳию кўнглига ўзгача ҳаловат бағишлайдиган бир кўшиқ янграмоқда:

**Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил...**

Ҳазрат Навойини сўзда англашнинг, ўқишнинг ўзи мушкул бўлса, уни куйга сиздира олган ким бўлди экан, деган ўй кечади кўнглидан. Ижрочи маъноси серқирра сўзларни шундай юксак маҳорат ва соҳир овоз билан живалантормоқдаки, тингловчи гўё сирли оханглар дарёсига ғарқ бўлади, ўткинчи

дунёнинг дарду ташвишларини бир зумда унутади. Қўшиқ куйда ҳам, сўзда ҳам ўзининг авж нуқтасига илгарилаб бормоқда:

**Юзида терни кўриб ўласам, эй рафиқ, мени,
Гулб ила юву сул барғидин қафан қилғил...**

Ижрочи куйлаш баробарида ўзи “куймоқда”, бутун вужуди сўз оловида, ошиқнинг дарду ҳасрат гулханида ёнмоқда:

Айў-й, аа-айў-й, жон-ей...

Бу ўтли нолалар, юксак дид ва қалб билан яратилган ашула муаллифи, умри давомида фақат ва фақат яратиш иши, ижодкорлик руҳи билан ашаган инсон, мақом санъати ривожига сезиларли даражада улш қўшган улуг санъаткор Юнус Ражабийдир.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда мақом санъатини янги босқичга кўтариш, халқимиз қалбига бу санъатга бўлган меҳрни уйғотиш, унга ёш кадрларни жалб қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда анъанавий Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилиши йўлга қўйилгани, у илк бор Шаҳрисабзда ташкил этилгани, айна кунларда эса Зомин туманида бўлиб ўтаётгани сўзимизнинг яққол тасдиғидир.

Мана шундай кунларда Юнус Ражабийнинг уй-музейида бўлар эканми, отаси ишларини давом эттираётган ўғли Ҳасан Ражабий падари ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлиб-тошиб гапириб берди. Шулар асосида ҳамда уй-музейдан олган таассуротларимизни оққа кўчиришга ҳаракат қилдик...

ундарди. Унинг рассомлик маҳоратида дўстлари ҳам тан берган.

Агар мақомлар матнининг мағзи чақилса, улар одамда кучли кечинмаларни уйғотади. Юнус Ражабийнинг адабиёт муҳиби сифатидаги фазилатлари, сўзни ҳис қилиш истеъдоди ўз ашулаларига танлаган шеърларида яққол намоён бўлади. Ижодкор мумтоз шоирлар — Алишер Навоий, Бобур, Ҳофиз, Лутфий, Фузулий ҳамда Фурқат газалларини куйга солиб, уларнинг беназир ижод маҳсулларига янги ҳаёт бахш этган.

Бетақорр эшитиш қобилияти, фавкулда муסיқий хотира, ёқимли ва майин овознинг жозибали тембри қисқа вақт ичида Юнус Ражабийни элга танитгани кўпчиликка маълум. Ижодкор давомида ва мурақаб таронани бир марта тингласа кифоя, ҳар бир оханги ёдида қолар ва шу онда уни англишсиз ижро қила оларди.

Хофизнинг иқтидор ва салоҳияти ҳақида айтганларимиз — денгиздан бир томчи, агар унинг ҳаёт йўлини батафсил ўрганадиган бўлсак, очилмаган қирралари кўп эканига гувоҳ бўламиз.

Қайта туғилган «Шашмақом»

Гап Юнус Ражабий ҳақида кетганида ҳаммаша кўз олдимизга ўзбек мақом санъати келади, албатта. Халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъати ўзининг қадимий тарихи, теран философия илдизлари, бетақорр бадий услуби ва бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Асрлар давомида улуг шоир ва олимлар, моҳир бастакорлар, хофиз ва созандаларнинг машаққатли меҳнати ҳамда фидойилиги, ижодий тафаккури билан сайқал топиб келаётган ушбу ноёб санъат нафақат юртимиз ҳамда Шарқ мамлакатларида, балки дунё миқёсида катта шўхрат ва эътибор қозонган.

Ўзбек муסיқа санъатининг чин маънодаги жонқуяри, соз ва овоз мулкнинг соҳибқирони Юнус Ражабий мақомларни мукамал ўрганиб, уларни халқ орасида машхур қилган. Бу шарафли иш ижодкор ҳаётининг мазмунига айланган, десак, муволаға эмас.

Хофиз мақом санъатини бойитиб, ижросини сайқаллаган, уни катта-кичик қисмларга бўлиб, ҳар бирига ўз оханг қочирмалари билан “пардоз берган”. Бу орқали санъаткор тароналар сержило бўлишини истаган, уларга ўзи басталган наволарни қўшган.

Юнус Ражабийдаги миллий муסיқа санъатига бўлган меҳр, мумтоз тароналар, халқ кўшиқларига муҳаббат ўзбек мақомларини тўплашига туртки бўлган. Ашулаларни Хўжа Абдулазиз, домла Халим Ибодов, Отағиёс Абдуғани, Отажол сол сингари устоз санъаткорларнинг ёрдамида бутун Ўзбекистон бўйлаб жамлаган. Айтиш жоизки, улар биргина мақомнинг ўнлаб вариантларини ёзиб олган.

Дарҳақиқат, ижодкор асрлар давомида тилдан-тилга, устоздан шоғирдга, хофиздан-хофизга мерос сифатида ўтиб, шу тариқа ўтмиш ва ҳозирги даврни боғлаган мақомларнинг ҳаққоний жаранги, асл садосини тиклашга муваффақ бўлган.

Юнус Ражабий ўзбек халқ муסיқасини беш жилдга, “Шашмақом”ни олти жилдга жамлай олди, кетма-кетликда тартиблади. Энг муҳими, “Шашмақом”нинг 1500 дан ортиқ жозибадор тароналарини нотага туширди. У бу асарларни бир қадар оғир ва қийин даврларда, ўтган асрнинг 30 — 40-йилларида ёзганини эътироф этиш жоиз.

Созанда ва созгар бирлиги

Юнус Ражабий ўз пайтида бир неча созлар ясовчи усталар билан ҳам яқин мулоқотда бўлган. Уларга ўзбек халқ чолғу асбобларининг турли шаклларини яратишда бюртмачи, маслақатдош, илҳомлантирувчи бўлган.

“Ражабийнома” китобида бу ҳақда кўплаб хотиралар келтирилган. 1967 йил 6 сентябрь кунли Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театрида бўлиб ўтган куйидаги воқеа ўқувчи эътиборини тортади:

...Ўзбек муסיқаси алломаси Юнус Ражабий таваллуднинг 70 йиллиги муносибати билан

тантанали кеча ўтказилмоқда. Саҳнага ўзбек адабиёти ва санъатининг таникли намояндалари чиқиб келишади. Уларни лик тўла зал ўрнидан туриб, давомли қарсақлар билан кутиб олади. Сўнгра табриқлар бошланади. Қатор санъат муассаса ва ташкилотлари вакиллари Юнус Ражабийга гулдасталар тутқазишади, эҳтиром билан дўппио чопонлар кийдиришади, эсдалик совгалари топширишади.

Бир маҳал саҳнага ўрта бўйли, қотмадан келган, бошига дўппи кийган, соқол-муйлови ўзига ярашган бир нуруний қария қўлида чиройли дуторни кўтарганча чиқиб келади. Бу — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, машхур созгар уста Усмон Зуфаров эди.

Бу икки буюк санъаткор бир-бирига ака-укадек яқин, иккалеси ҳам ўзбек халқининг бахтига туғилган, эл фарзандига айланган сиймолик эди. Уларнинг неча-неча йиллардан бери ҳам-

чилар кўп. Шундай шароитда ҳам телемарказ турли мавзуларда кўрсатувлар олиб боришдан тўхтамасди.

Бир куни оқшом чоғида маориф соҳасига оид кўрсатув муносибати билан кент зиёлиларининг бир гуруҳи марказга интилишарди. Телемарказ раҳбари Фани Жаҳонгиров уларни кирверишдаги катта хонага бошлаб боради. Таникли олимлар, адиблар, рассомлар, мақомчилар орасида Юнус Ражабий ҳам бор эди. Тиниб-тинчимас Фани Жаҳонгиров зудлик билан улар олди-га нон-чой, олма-узумлардан иборат дастурхон тузайди. Кўрсатув бевосита шу ердан олиб бориладиган бўлади. Кўрсатув бошланмасдан бироз аввал зиёлилар ўзаро кизгин сўхбат бошлашади. Гап айланиб келиб санъатдаги муаммолар, ижрочиларда ижодкорлик етишмаслиги масалаларига тақалади. Даврадагилар Юнус Ражабийга мурожаат қилиб: “Қайта ишланган

“Агар мақомлар матнининг мағзи чақилса, улар одамда кучли кечинмаларни уйғотади. Юнус Ражабийнинг адабиёт муҳиби сифатидаги фазилатлари, сўзни ҳис қилиш истеъдоди ўз ашулаларига танлаган шеърларида яққол намоён бўлади. Ижодкор мумтоз шоирлар — Алишер Навоий, Бобур, Ҳофиз, Лутфий, Фузулий ҳамда Фурқат газалларини куйга солиб, уларнинг беназир ижод маҳсулларига янги ҳаёт бахш этган.”

куй-қўшиқлардан чарчади. Тайёр асарни қайта ишлаш шартми?” деб сўрашади. Устоз хофиз пиёлагаги чойдан бир хўплайди-да, босиқлик билан жавоб қайтаради: “Энди, у ёшлар шунақа иш қилишга ўқиб қўйган. Бошқа иш қўлидан келмайди. Шунинг-чун ашуларимизни қайта ишлаб, эрмак қилиб юришибди. Бу ишларнинг ҳаммаси мана бу зилзиладек ўтиб кетади бир кунми”

Олий ҳакам — вақт Юнус Ражабийнинг бу жавоби айна ҳақиқатлигини исбот қилди ва унинг узокни кўра оладиган устоз эканини кўрсатди. Ижодкорнинг бу сўзлари санъат ҳаммаша уни инжа англовчи ва юксак қадрловчи инсонларга буюк қисмат туҳфа этишига ишора эди.

Ижод жараёнидан бир лавҳа

Мўъжазгина хона. Хонанинг деразага яқинроқ ерида доирасимон стол. Стол атрофида икки-уч стул. Стол устида четлари уриниб кетган нота дафтери. Дафтарнинг ўнг томонида қирралари ейилган ўчирғич, унинг ёнида бир нечта қалам, ручка ва қаламтарош. Шунингдек, қопқоғи очиклигича қолган кўзойнак ғилофи. Булардан сал нарироқда эса чойнак-пиёла... Пиёлага ярим қуйилган чойдан майин буралиб буг кўтарилади.

Хона тўрида пианино. Унинг ёнида ўтирган Юнус Ражабийнинг қўлида Уста Усмон ишлаган дутор. Гарчи пианинода куйни нотага олиш кулайроқ бўлса-да, у пианино клавишини босиш ўрнига, дутор пардаларини босади. Дуторни бирпасда сошлаб, стол ёнига келиб ўтиради ва пиёлагаги чойдан бир хўплай олғач, дутор черта бошлайди. У бутун вужуди билан берилиб, ўзининг мўлжалидаги бир куйни бошдан-оёқ чалади. Сўнгра куйдан рохатланиб, яна бир хўплам чой ичади ва дутор дастасини чап қўлида ушлаган ҳолда, ўнг қўлига стол устидаги қаламлардан бирини олади. Қалам нота дафтери узра қаққон ҳаракат қила бошлайди. Дафтар саҳифасида эса нота аломатлари пайдо бўлади. Бир-икки сатрни босиб ўтган қалам куйлимаганда таққа тўхтади. Шунда куйнинг қайси-сидир жойига авж нола етишмаётгандек туюлади. Юнус Ражабий қўлидаги қалам билан дирижёрлик қилиб, яна дутор чертишга тушади. Куй пардаларда босилиб, янграб, ноталарни аниқ кўрсатиб боради ва тезда ноталарга куй йилқирини кўчира бошлайди. Паст овозда ду-

«Бу ишларнинг ҳаммаси мана бу зилзиладек ўтиб кетади»

“Ражабийнома” китобида атоқли хофиз ҳаёти ва инсоний фазилатлари билан боғлиқ кўплаб хотиралар ўрин олган. Мана улардан бири:

...1966 йил. Июнь ойининг охирилари. Тошкент шаҳри кучли зилзиладан азият кечкан хавотирли кунлар. Ҳамма ёқда зилзила асоратлари кўзга ташланар, иншоотларда таъмирлаш ишлари жадал сурьатда олиб бориладир.

Тошкент телемарказида ҳам иш қизган. Бино ичидаги йўлакларда уюм-уюм тупроқ, қўш нарвон ва ҳавозалар, уларнинг ёнида эса қоқоз қопларда цементлар тахлаб қўйилган. Қисқача айтганда, ҳодимлардан кўра қурув-

торга жўр бўлиб, хиргойи қилади... Яна тўхтаб, қўлига ўчирғични олади. Қалам билан яна нота аломатларини бита бошлайди. Яна тўхтаб, дутор чертиб кўради. Бу ахвол деярли кўёш олис уфқдан бош кўтаргунга қадар давом этади...

Шу тариқа, дутор пардаси асосида ўзбек миллий куйлари, мақом “мушкулот”лари нота белгилари воситасида дафтар саҳифасига битилаверди. Бу жараён бир кун ёки бир ой эмас, балки ўнлаб йиллар мобайнида, то ўлмас мумтоз ўзбек оханлари, мақомлари, ўзи нашр эттирган 12 жилдик китобларига жо бўлмагунча, то ижодкор умрининг охиригача давом этаверди...

Эътиборлиси шундаки, Юнус Ражабий ижод жараёнида ҳамроҳ бўлган ўша дутор, ўша чойнак ва пиёла, ўша нота варақлари хозирда унинг уй-музейидаги ўша стол устини безаб турибди. Улар ўша йилларни ва Юнус Ражабийга хос ижод жараёнига ёдга солаётгани билан бутун санъат аҳлига, халқимизга қадрлидир.

Асарларда давом этаётган ҳаёт

Эътироф этиш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда Юнус Ражабий номини абадийлаштириш, муסיқий меросини ўрганиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбек миллий мақом санъати маркази, Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли, Ўзбек миллий муסיқа санъати институти очилди.

Санъаткор уй-музейи, маданият марказининг ташкил этилиши ҳамда пойтахт кўчаларидан бири ва ҳётро бекатига Юнус Ражабий номи берилиш ҳам беназир аллома хотирасига билдирилган эҳтиром намунасиридир.

“Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган Ўзбекистон халқ артистининг репертуаридаги “Гиря”, “Ушшоқ”, “Кўча боғи”, “Қаландарий”, “Гулёр — Шаҳноз”, “Дугоҳи Хўсайиний”, “Чоргоҳ”, “Мискин” каби ашула ва куй туркумлари айна пайтда ҳам ёшлар томонидан севиб тинланмоқда. Шунингдек, устоз санъаткор томонидан қайта ишланиб, тикланган “Субҳидам”, “Ёлғиз”, “Сайқал”, “Фигон”, “Ораз”, “Беги Султон” каби асарлар ҳам мақом санъатининг давомчиларига дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбек мумтоз санъатининг яратилишида, ушбу санъатнинг таровати, шакли, жозибаси асрлар оша яшashi ва ривожланишига мислсиз ҳисса қўшган, ижодий мероси билан муסיқа соҳасида ўзининг ўлмас номи муҳрлаб кетган буюк санъаткор хотираси олдида ҳаммаша эҳтирдэмиз...

...Қўшиқ авж пардасига кўтарилди.

**Ўзинг гунаҳа кўнели раъзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.**

Улуг шоирнинг сўзини қалбан ҳис қилган ҳолда Юнус Ражабий ҳам кўнгли раъзасидан гулшан ясай олди, жон гулшанин чаман қилишни ҳам удалади. Бу чаманда яхшилиқ, эзгулик ва миллатпарварлик деган чечаклар унди. Қўшиқ тинглаш баробарида қандайдир хушифорни сезган бўлсангиз, ажабланманг, бу ўша чечаклар ҳимматидир.

...Ашула интиҳосига етса-да, кулоқлар остидан унинг сеҳрли жаранги, дардчил ва гамгин ноласи тингани йўқ. Овоз ҳам шунчалик ширалли, қалбга яқин, руҳга озиқ берувчи бўлиши мумкинми?! Мумкин, албатта! Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, “Миллий муסיқа санъатининг пиру устози” Юнус Ражабий ихросидидаги ҳар бир қўшиқда ана шундай мўъжиза зоҳир.

Бу мўъжиза инсон руҳи ва кўнгли учун ўзга дунё эшикларини очили, шубҳасиз. Бу эшиклар ортида инсон қалбининг инжа туйғулари, соғинчлари ва армонлари, осмон қадар юксак орзулари, ҳаёт мазмуни, яхшилиқ ҳамда эзгуликнинг, соф, самимий ишқнинг абадийлиги яширинган. Инсоният яшар экан, бу умуминсоний гоёлар, туйғу ва тушунчалар ҳам барҳаёт. Демак, Юнус Ражабий ҳам мумтоз куйларда, соҳир ашулаларда боқий яшайди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(“Халқ сўзи”).

Малайзия давлат телерадиокомпанияси Ўзбекистон ҳақида ўн қисмдан иборат ҳужжатли фильмни суратга олади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 14 104 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни оқиб олш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; **қотибхона 71-259-74-53;**
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган қўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Босмаҳқиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 23.20 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6